

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгашининг
2024 йил 28 мартдаги
1887-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги (кейинчалик матнда Қонун деб юритилади) қонун ва мазкур Регламент ташкил этилади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, Ўзбекистон судьялари ассоциацияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.

2-боб. Номзодларнинг ариза ва ҳужжатларини бўш судьялик лавозимларига қабул қилиш тартиби

2.1. Илк бор судьялик лавозимига номзодларнинг ариза ва ҳужжатларини бўш судьялик лавозимларига қабул қилиш тартиби

2.2. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқиган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёки келишиб олинандиган лавозимларда фаолият юритаётган ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган шахслар, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқитилмаган ҳолда илк бор судьялик лавозимига танловда иштирок этиши мумкин.

2.3. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар учун туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяси лавозимига танлов эълон қилинади.

2.4. Ариза Кенгашга номзод доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги судьялар малака ҳайъати орқали шахсан топширилади.

2.5. Аризаларни қабул қилиш танлов эълон қилинган кундан эътиборан ўн кунгача муддат ичида амалга оширилади.

Бунда мазкур Регламентнинг 2.6-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг асли ва тасдиқланган ҳужжатлари психологик тестдан муваффақиятли ўтгандан сўнг малака ҳайъатига тақдим этилади.

Психологик тест номзоднинг аризаси қабул қилингандан 3 кундан кечиктирилмасдан ўтказилади.

2.6. Номзод қўйидаги ҳужжатларни малака ҳайъатига тақдим этади:

Кенгаш раиси номига ариза;

паспорт нусхаси;

охирги уч йил давомида бажарилган ишлар тўғрисида иш жойидан маълумот;

тавсифнома;

камида уч кишидан, қоида тариқасида, юқори малакали судьялардан фикрнома;

3,5x4,5 ўлчамдаги иккита фотосурат;

номзод томонидан шахсан тўлдирилган сўровнома ва таржимаи ҳол;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

Кенгаш томонидан белгиланган намунадаги шахсий варақа (объективка) ва яқин қариндошлари (номзод ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари, шунингдек номзоднинг фарзандлари) тўғрисидаги маълумотнома, шу жумладан электрон шаклда;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги ҳужжат;

Судьялар олий мактабини тамомлаганлиги ҳақидаги диплом, бундан мажбурий тартибда ўқиш мажбурияти бўлмаган шахслар истисно.

Судьялар малака ҳайъатлари ҳужжатларни (рўйхат бўйича) кузатув хати билан Кенгашга юборади. Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва тўлиқлиги учун қўйи судьялар малака ҳайъатининг раиси, маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун номзод шахсан жавобгардир.

2.7. Ҳужжатларни расмийлаштиришда ўчириб ёзиш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги учун уни тузган шахслар жавобгар бўлади.

2.8. Юқорида назарда тутилган талабларга кўра расмийлаштирилмаган ва тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар номзодга 10 кунлик муддат ичида қайтарилади.

2.9. Танловда иштирок этиш учун номзодлардан қабул қилинган аризалар бўйича Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси томонидан ариза бериш

муддати тугаганидан сўнг беш кунлик муддатда танловда иштирок этувчи номзодлар рўйхати шакллантирилади.

3-боб. Янги ваколат муддатига тайинлаш (сайлаш) учун ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

3.1. Судья ваколат муддати тугашига камида олти ой қолганда Кенгашга янги ваколат муддатига кўрсатиш ёки кўрсатишдан воз кечиш тўғрисида ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этади.

3.2. Янги ваколат муддатига тайинлаш (сайлаш) учун кўрсатилган ҳар бир судья тегишли малака ҳайъатига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Кенгаш раиси номига ариза;

паспорт нусхаси;

охирги уч йил давомида бажарилган ишлар тўғрисида иш жойидан маълумот-тавсифнома;

тавсифнома;

камида уч кишидан, қоида тариқасида, юқори малакали судьялардан фикрномалар;

3,5x4,5 ўлчамдаги иккита фотосурат;

номзод томонидан шахсан тўлдирилган сўровнома ва таржимаи ҳол;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

Кенгаш томонидан белгиланган намунадаги шахсий варақа (объективка) ва яқин қариндошлари (номзод ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари, шунингдек номзоднинг фарзандлари) тўғрисидаги маълумотнома, шу жумладан электрон шаклда;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги ҳужжат;

Судьялар олий малака ҳайъати ҳужжатларни (рўйхат бўйича) судьянинг юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатлари, унинг фаолиятини, шу жумладан иш сифатини баҳолаш натижалари, судьяга нисбатан чиқарилган хусусий ажрим ва ўтказилган хизмат текширувлари, қўлланилган интизомий таъсир чоралари, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш аҳволи, судьянинг кўрсатилган лавозимга тавсия этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги акс эттирилган Судьялар олий малака ҳайъатининг тегишли ҳулосасини кузатув хати билан Кенгашга юборади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва тўлиқлиги учун Судьялар олий малака ҳайъатининг раиси, маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун номзод шахсан жавобгардир.

Мазкур талаблар муқаддам судья сифатида фаолият кўрсатган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

3.3. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси бир ойлик муддатда судьянинг ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилганлиги ва маълумотларнинг тўлиқлигини ўрганади. Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилмаганлиги ва (ёки) маълумотлар тўлиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, улар Судьялар олий малака ҳайъати ёрдамида иш жараёнида бартараф этилади.

3.4. Янги ваколат муддатига кўрсатишдан воз кечиш тўғрисида ариза тақдим этилганда ёки янги ваколат муддатига кўрсатишдан воз кечган номзод аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида мурожаат қилганда Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни бир кунлик муддатда Суд инспекциясига ўтказди.

Янги ваколат муддатига кўрсатишдан воз кечган номзод аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида ёки янги ваколат муддатига кўрсатиш тўғрисида белгиланган тартибда ариза бермаганда у янги ваколат муддатига кўрсатиш тўғрисидаги ариза билан умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

4-боб. Бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимларига судьяларни тайинлаш (сайлаш) учун ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

4.1. Бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимига номзодини кўрсатиш истагини билдирган судья Кенгашга ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этади.

4.2. Судьяни бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимига қайта тайинлаш учун Судьялар олий малака ҳайъати Кенгашга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

судьянинг Кенгаш раиси номига ёзган аризаси;
судья аризасида кўрсатган асосларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
судья томонидан охириги икки йиллик фаолияти тўғрисида маълумот-тавсифнома;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тегишли хулосаси.

4.3. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси ҳужжатларни ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги хулосалардан бирини тайёрлайди:

судьянинг ҳужжатлари кўрсатилган судьялик лавозими учун ўрнатилган талабларга жавоб бериши тўғрисида;

судьянинг ҳужжатлари кўрсатилган судьялик лавозими учун ўрнатилган талабларга жавоб бермаслиги ва уларни қайтариш тўғрисида.

4.4. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси қуйидаги асослар мавжуд бўлганда номзодга оид ҳужжатларни қайтариш тўғрисида хулоса тайёрлайди:

кўрсатилган судьялик лавозими учун “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 67-моддасида белгиланган талабларга жавоб бермаса;

Кенгаш томонидан илгари тақдим этилган судьялик лавозимига номуносиблиги тўғрисида хулоса қабул қилинган номзодга оид ҳужжатлар бир йиллик муддат ўтмасдан такроран тақдим этилган бўлса, янги ваколат муддатига кўрсатиш бундан мустасно;

номзод ҳужжатларини қайтариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилса.

Хулоса Кенгаш судьяси томонидан тайёрланади ва Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси раҳбари томонидан имзоланган кузатув хати асосида номзоднинг ҳужжатлари беш кунлик муддатда Судьялар олий малака ҳайъати орқали номзодга қайтарилади.

Кенгаш аъзоларига Кенгашнинг навбатдаги мажлисида мазкур моддада назарда тутилган асосларга кўра ҳужжатлари қайтарилган номзодлар тўғрисида ахборот берилади.

Мазкур бандда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган тақдирда, номзод Судьялар олий малака ҳайъати орқали ариза билан такроран мурожаат қилиши мумкин.

5-боб. Судьяни бошқа судьялик лавозимига ўтказиш тартиби

5.1. Судья ваколатлари муддати даврида ўзининг розилиги билан бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши мумкин.

5.2. Судья бошқа судьялик лавозимига қуйидаги асосларга кўра ўтказилиши мумкин:

- 1) оилавий аҳволи ёки соғлиғи ҳолатига кўра;
- 2) бўш судьялик лавозимини тўлдириш мақсадида;
- 3) судьянинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш мақсадида.

Судьянинг аризасида уни бошқа судьялик лавозимига ўтказиш учун асос бўлувчи ҳолатлар кўрсатилмаган ва унинг аризасига тегишли ҳужжатлар илова қилинмаган тақдирда ариза ўн кунлик муддатда судьяга қайтарилади.

5.3. Судьянинг бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши масаласи унинг Кенгашга тақдим қилган аризасига асосан Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига биноан киритилади.

5.4. Судьяни бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши учун Судьялар олий малака ҳайъати Кенгашга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- судьянинг Кенгаш раиси номига ёзган аризаси ёҳуд розилиги;
- судья аризасида кўрсатган асосларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

судья томонидан охирги икки йиллик фаолияти тўғрисида маълумот-тавсифнома;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тегишли хулосаси.

5.5. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси беш кунлик муддатда судьянинг ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилганлиги ва маълумотларнинг тўлиқлигини ўрганади. Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилмаганлиги ва (ёки) маълумотлар тўлиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, улар Судьялар олий малака ҳайъати ёрдамида иш жараёнида бартараф этилади.

5.6. Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва судьяларнинг малака ҳайъатлари судьяни бошқа судьялик лавозимига қайта тайинлаш масаласида Судьялар корпусини шакллантириш шўъбасига зарур маълумотлар ва ҳужжатларни олишда кўмаклашади.

6-боб. Судьялик лавозимларига танлов ўтказиш тартиби

6.1. Судьялик лавозимларига танлов муқобиллик асосида ўтказилади, бундан бошқа судьялик лавозимига ўтказиш ҳолатлари мустасно.

Бўш судьялик лавозимига танловда камида икки нафар номзод иштирок этганда у муқобиллик асосида ўтказилган ҳисобланади.

Эълон қилинган бўш судьялик лавозимига бир нафар номзод ариза берган тақдирда танлов ўтказилмайди. Такрор ўтказилган айнан шу бўш судьялик лавозимига бир нафар номзоднинг аризаси келиб тушган тақдирда танловни муқобиллик асосида ўтказмасликка йўл қўйилади.

6.2. Танлов эълон қилиш ҳақидаги маълумотлар бўш судьялик лавозими очилган кундан эътиборан, Кенгашнинг веб-сайти ёки республика миқёсидаги оммавий ахборот воситаларининг расмий нашрларидан бири орқали эълон қилинади. Маълумотда суднинг номи, бўш судьялик лавозимлари, сони, ариза тақдим қилиш муддати, шартлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

6.3. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар фақат туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяси лавозимига эълон қилинган танловда иштирок этиши мумкин.

7-боб. Судьялик лавозимларга танлаш ва тавсия этиш масалалари бўйича материалларни тайёрлаш тартиби

7.1. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси қабул қилгандан сўнг номзодга оид ҳужжатларни беш кунлик муддат ичида Суд инспекциясига ўтказилади.

7.2. Суд инспекцияси касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатларини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

7.3. Суд инспекцияси судьялик лавозимига биринчи марта, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг кейинги муддатсиз даврига тайинланадиган (сайланадиган) номзодни, шунингдек Олий суднинг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раҳбарлик лавозимларига номзодни комплекс ўрганишни ташкил қилиш мақсадида ваколатли органнинг фикрини сўраб олади. Ваколатли орган мазкур сўров олинган кундан эътиборан бир ой муддатда тегишли хулосани тақдим этиши керак.

Суд инспекцияси номзоднинг судьялик лавозимига муносиблигини ўрганаётганда Олий суднинг ва бошқа ташкилотларнинг номзоднинг ушбу ташкилотларда ишлаган даврда шахсий ва касбий сифатлари ҳақидаги фикрини сўраб олади. Мазкур сўровга сўров келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жавоб юборилиши керак.

Суд инспекцияси янги ваколат муддатига тайинланадиган судьялик лавозимига номзодни кўриб чиқишда, ушбу номзод томонидан қабул қилинган суд қарорларининг барқарорлигини, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлигини, шунингдек кенг жамоатчиликнинг унинг касбий фаолияти ҳақидаги фикрини ўрганади.

7.4. Суд инспекцияси судьялик лавозимига тақдим этилган номзодларни ўрганиш натижалари бўйича Кенгашга қуйидаги хулосани тақдим этади:

номзодни касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатлари бўйича кўрсатилган судьялик лавозимига тавсия этиш тўғрисида;

номзодни касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатлари бўйича кўрсатилган судьялик лавозимига тавсия этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида.

7.5. Хулоса Кенгаш судьяси томонидан тайёрланади ва раис ўринбосари ёки Суд инспекцияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

номзодни тавсифловчи маълумотлар, унинг иш сифати;

номзоднинг меҳнат фаолиятини ўрганиш натижалари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат органларидан ишдан озод этилган тақдирда, унинг сабаблари;

иш жойи бўйича номзодни ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоятлар ва ўтказилган хизмат текширувлари натижалари;

номзодга нисбатан қўлланилган интизомий таъсир чоралари ҳамда хизмат бўйича рағбатлантиришлар;

номзодни касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатлари тўғрисида ҳамкасбларининг фикри;

номзод бўйича тегишли малака ҳайъатининг хулосаси;

номзодни касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатларини тавсифловчи бошқа маълумотлар.

Суд инспекциясининг хулосаси мажлис ҳужжатларини тайёрлаш учун Судьялар корпусини шакллантириш шўъбасига ўтказилади.

7.6. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси мажлис муҳокамасига киритилган номзодларни аниқлагандан сўнг тегишли ҳужжатларни тайёрлайди ва кун тартибини шакллантириш учун Кенгаш раисига таклифлар киритади.

7.7. Номзодларга оид ҳужжатлар уларнинг тайёрланишига кўра, бироқ Кенгашнинг навбатдаги мажлисига қадар кун тартибига киритилади.

Бўш судьялик лавозимига номзодлар муқобиллик асосида кўриб чиқилади, бундан бошқа судьялик лавозимига ўтказиш ҳолатлари мустасно.

Муқобиллик асосида бир нафар бўш судьялик лавозимига кўрсатилган номзодларнинг ҳужжатлари бир Кенгаш мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

Кенгаш мажлиси кун тартибига муқобиллик асосида киритилган номзодларнинг Кенгаш аъзолари билан суҳбати бошқа номзодлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда яқин қариндошлари томонидан бевосита ёки видеоконференция алоқаси орқали кузатиш имкони яратилади.

8-боб. Номзодларнинг судьялик лавозимларига муносиблигини баҳолаш тартиби ва мезонлари

8.1. Судьялик лавозимига номзодларни танлаш судья кадрлар бўйича тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш ва суҳбат ўтказиш, уларнинг юсак ахлоқий-иродавий, касбий ва маънавий фазилатларини (ҳалоллиги ва пок виждонлиги), қобилиятини, шунингдек ҳуқуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлиги ва малакасини аниқлаш йўли билан ўтказилади.

Номзодни танлашда турли ўрганиш усуллари – суҳбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, билим даражасини аниқлаш учун электрон сўров дастуридан фойдаланилиши мумкин.

8.2. Номзоднинг судьялик лавозимига муносиблигини аниқлашда бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, холислик, адолатлилик, лаёқатлилик, етарли ҳаётий тажриба, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи касалликлар ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлмаслик каби мезонлар инобатга олинади.

Бенуқсон обрў-эътибор деганда номзоднинг юсак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга бўлиши, ишда ва ишдан ташқари пайтда жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ўз хизмат вазифаларига

сидқидилдан муносабати, ҳамкасблари орасида ҳурматга эгаллиги, у ва яқин қариндошларининг жамиятда ҳурматга сазоворлиги тушунилади;

Ҳалоллик деганда номзоднинг пок виждонлилиги, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда манфаат кўзламаслиги, ҳар қандай ташқи таъсирларга берилмаслиги тушунилади;

Холислик деганда судьянинг ўз мажбуриятларини бирон-бир афзаллик, нохолислик ёки олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикрларга таянмай, мустақиллик ва беғаразликни намоён этиб, суд процесси иштирокчиларининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлган ҳолда бажариши тушунилади;

Адолатлилик деганда судья одил судловни амалга ошириш борасидаги ўз фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўймаган ҳолда фақат қонунга асосан адолатли қарор қабул қилишини тушуниш лозим;

Лаёқатлилик деганда номзоднинг ўз вазифаларини юқори профессионал даражада бажариши, назарий билимлари ва амалий кўникмаларини доимий равишда такомиллаштириб, ўз малакасини ошириб бориши, одил судловни амалга ошириш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлиши, суд-ҳуқуқ ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор бўлиши тушунилади;

Етарли ҳаётий тажриба деганда номзоднинг муайян вазиятларда мантиққа асосланган ҳаракатларни амалга ошириши, қарорларни қабул қилишда дадил ва қатъиятли, мураккаб вазиятларда вазмин ва руҳий бардошли бўлиши тушунилади;

Одил судловни амалга ошириш фаолиятига тўсқинлик қилувчи касалликлар ёки жисмоний нуқсонга эга бўлмаслик деганда номзодда Кенгаш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланган рўйхатдаги касалликлар ва нуқсонларнинг мавжуд эмаслиги тушунилади.

8.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяси лавозимига тавсия этилган номзодга қўйиладиган қўшимча талаблар:

масалаларни коллегиал ҳал қила олиш;

ташкилий ва таҳлилий қобилиятларга эга бўлиш;

қонунчиликдаги янгиликларга тез ва самарали мослашиш;

қабул қилган суд қарорларининг барқарорлиги;

қўйи судлар қарорларига баҳо бериш учун одил судловни амалга ошириш ва амалдаги қонунчиликни қўллаш бўйича етарли тажрибага эга бўлиш.

8.4. Олий суднинг судьяси лавозимига тавсия этилган номзодга қўйилган қўшимча талаблар:

ташаббускорлик;

касбий фаолияти тўғрисидаги жамоатчиликнинг ижобий фикри;

касбий билим, одил судловни амалга ошириш ва амалдаги қонунчиликни қўллаш тажрибасига эга бўлиш;

хорижий тажрибани таҳлил қилиш ва суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотларни давом эттириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш салоҳиятига эга бўлиш.

8.5. Раҳбарлик лавозимларига тавсия этилган номзодларга қўйилган қўшимча талаблар:

масъулиятли лавозимлардаги иш тажрибаси;

ташаббускорлик ва маъмурий-ташкілотчилик қобилияти;

етакчи бўлиш, ўзига жавобгарликни олиш, ўзининг иш услубини ярата олишга қодир, юқори маънавий-ахлоқий фазилатлари ва касбий билимлари билан ҳурмат қозона олиш;

ходимларда ватанпарварлик ва ўз хизмат вазифаларига садоқатни уйғота олиш;

ходимларнинг ижобий ишларини рағбатлантириш, кадр ва ресурсларни самарали бошқариш;

вазифаларни аниқ шакллантириш, масалаларни муваффақиятли ечиш, истиқболни кўра олиш, муаммони ҳар томонлама ўрганиш, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилган тадбирларнинг келгусидаги таъсирини кўра билиш;

судьяларни қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаганлиги ҳақида сертификатга эга бўлиш;

жамоатчилик билан самарали алоқани йўлга қўйиш, вакиллик, жамоа олдида чиқиш қила олиш.

Раҳбарлик лавозимига тавсия этилган номзодга таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга мойиллик хислатлари бегона бўлиши лозим.

9-боб. Кенгаш ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқиш тартиби

9.1. Кенгаш фаолиятининг асосий ташкилий шакли Кенгаш мажлисидир. Кенгаш мажлиси ўз ваколатига кирадиган масалаларнинг тайёрланишига қараб ўтказилади. Кенгаш мажлиси ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

9.2. Кенгаш мажлисининг кун тартиби Кенгаш раиси томонидан ўзининг ташаббуси, Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси, Суд инспекцияси таклифлари асосида шакллантирилади.

Кенгаш мажлисининг кун тартиби Кенгаш раисининг топшириғига кўра Кенгаш котиби томонидан тайёрланади.

9.3. Кенгаш мажлиси бошлангунига қадар унинг аъзоларига кўриладиган масалаларга оид тегишли ҳужжатлар (кун тартиби, номзодлар рўйхати, уларнинг меҳнат фаолияти, иш сифати ва бошқа маълумотлар) Кенгаш котиби томонидан тақдим этилади.

Кенгаш мажлиси кун тартибига ҳужжатлари киритилган номзодлар Кенгаш котиби томонидан камида бир кун аввал хабардор қилинади.

9.4. Кенгаш мажлисида Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари раислик қилади.

9.5. Раислик қилувчи мажлисни белгиланган вақтда очади ва кун тартибини эълон қилиб, у бўйича мажлис иштирокчиларининг таклифларини эшитади.

Кенгаш аъзоси кун тартибига киритилган айрим масалаларни чиқариш ҳақида Кенгашга таклиф киритиши мумкин.

Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи кун тартибидан чиқарилган тақдирда, мазкур масала Кенгаш муҳокамасига бир ой муддатда (сайланадиган ва Президент томонидан тайинланадиган судьялар бундан мустасно), бироқ мазкур Регламентда белгиланган муддатдан кечиктирмасдан киритилиши лозим.

9.6. Кенгаш аъзоларини рад қилиш “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида кўрсатилган тартибда ҳал қилинади.

9.7. Номзодларнинг судьялик лавозимларига муносиблигини аниқлаш бўйича мажлис Кенгаш котибининг ахбороти билан бошланади.

Кенгаш котиби номзодни залга чақиради ва мажлис иштирокчиларига унга оид асосий маълумотлар ва меҳнат фаолияти ҳақида маълум қилади, шундан сўнг суҳбат бошланади.

Номзод суҳбат саволларини электрон билет дастуридан танлайди.

Кенгаш аъзолари номзодга саволлар бериши мумкин.

Номзод билан ўтказиладиган суҳбат давомида унинг билим даражаси, амалий тажрибаси, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлиги, таклиф этилаётган лавозимга муносиблиги, касбий ва бошқа фазилатлари аниқланади. Номзоднинг муносиблигини баҳолаш кўрсатилган судьялик лавозимига қўйилган мезонлар ва қўшимча талабларга асосан амалга оширилади.

Суҳбат якунланганидан сўнг номзод мажлис залини тарк этади.

Шундан сўнг мажлис иштирокчилари кўриб чиқиладиган номзоднинг муҳокамасини бошлайди, уларнинг ҳар бири ўз фикрини баён этади, хусусан Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси ва Суд инспекцияси раҳбарлари томонидан номзод бўйича хулосалар эълон қилинади, сўнгра мажлис иштирокчилари номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз берадилар. Овоз беришда бетараф қолишга йўл қўйилмайди.

Суд инспекцияси томонидан номзоднинг касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатлари кўрсатилган судьялик лавозимига номуносиблиги тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда, мажлис номзоднинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин.

9.8. Кенгаш мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

Кенгаш мажлиси ўтказиладиган сана ва жой;

кун тартиби;

мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзолари;

Электрон билет дастуридан танланган саволлар ва номзоднинг жавоблари, шунингдек номзодни ўрганишнинг бошқа усуллари ва уларнинг натижалари;

ҳар бир номзод бўйича овоз бериш натижалари ва бошқа маълумотлар.

Кенгаш мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва Кенгаш котиби томонидан имзоланади.

9.9. Кенгаш қарори унинг мажлисида коллегия равишда, очиқ овоз бериш орқали мажлис иштирокчиларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кенгаш аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий қарашлардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини ифодалайди.

Кенгашнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир ва унинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарор қабул қилишда биттадан овозга эгадир.

Раислик қилувчи охирида овоз беради. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгашнинг қарорига рози бўлмаган Кенгаш аъзоси хулосани имзолайди ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма тарзда баён қилишга ҳақли бўлиб, ушбу фикр мажлис баённомасига қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди. Ўзига нисбатан мазкур қарор қабул қилинган шахс Кенгаш аъзосининг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

9.10. Кенгаш аъзоларининг овоз бериши ёпиқ мажлисда ўтказилади. Овоз бериш чоғида Кенгаш аъзоларидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Кенгаш аъзоси маслаҳатлашув сирини ошкор этишга ҳақли эмас. Кенгаш аъзоларининг овози ва уларнинг фикри сир сақланади ҳамда унинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Кенгаш аъзолари кўрсатилган ахборотни ошкор этганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9.11. Кенгаш мажлиси натижалари бўйича судьялик лавозимига муносиб деб топилган тақдирда, Кенгаш:

Олий суднинг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ҳамда раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини лавозимга тайинлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига хулоса киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимнома киритади.

9.12. Судьянинг ваколат муддати унинг судьялик лавозимида фаолият юритган умумий стажидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Судьялик лавозимида бўлишнинг умумий стажи йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади.

Судьялик лавозимида бўлиш муддатини ҳисоблашнинг мазкур тартиби илгари судья лавозимида ишлаганларга ҳам татбиқ этилади.

9.13. Кенгаш судьянинг шахсий фазилатлари ва касбий фаолиятидаги ютуқлари, қабул қилган суд қарорларининг барқарорлиги, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлиги, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан берган таклифларини, жамоатчиликнинг унинг касбий фаолияти ҳақидаги фикрини инобатга олиб рағбатлантириш чораларини кўради.

9.14. Кенгаш давлат мукофотлари билан тақдирлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят судлари судлари судьяларининг конференциясида тасдиқланган номзодларни сўраб олади. Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси номзодларни жамлаб кенгашни келгусидаги кун тартибига киритади.

Кенгаш қарорига асосан давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида тақдимнома киритишга лойиқ деб топилган номзодлар бўйича Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритилади.

10-боб. Судьялар дахлсизлигини таъминлаш, судьяларни жавобгарликка тортиш, ваколатини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш тартиби

10.1. Судья дахлсизлик ҳуқуқи бузилган тақдирда, бевосита Кенгашга ёки тегишли судьялар малака ҳайъатига мурожаат қилиши мумкин. Судьялар малака ҳайъатига мурожаат қилинганда, малака ҳайъати раиси бу ҳақда Кенгашни зудлик билан хабардор этади.

Суд инспекцияси судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Суд инспекцияси ҳолатни ўрганиб, судьянинг дахлсизлик ҳуқуқлари бузилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда тўпланган материалларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборади.

Суд инспекцияси судьянинг дахлсизлик ҳуқуқлари бузилганлик ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилган материаллар натижалари ҳисобини юритади.

10.2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг судьяни жиноий жавобгарликка тортиш ва (ёки) қамоққа олиш юзасидан хулоса бериш ҳақидаги тақдимномаси Кенгаш мажлисида кўриб чиқилади.

Тақдимнома Суд инспекцияси томонидан ўқиб эшиттирилади, унда кўрсатилган ҳолатлар муҳокама қилинган, Кенгаш қўйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

судьяни жиноий жавобгарликка тортиш ва (ёки) қамоққа олишга розилик бериш;

судьяни жиноий жавобгарликка тортиш ва (ёки) қамоққа олишга розилик беришни рад этиш.

10.3. Кенгаш судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда, жиноий жавобгарликка тортиш ва (ёки) қамоққа олиш юзасидан хулоса беришда, судьянинг ваколатини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда уларнинг асослилиги ва қонунийлигини, шунингдек белгиланган тартибга риоя этилганлигини текширади.

Кенгаш зарур холларда ушбу масалаларни қўшимча ўрганиши, яъни судья билан суҳбат ўтказиши ва (ёки) қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиши мумкин.

10.4. Судьяни жиноий жавобгарликка тортиш ёхуд қамоққа олиш масаласи бўйича Кенгашнинг ҳулосаси тегишинча судьялар малака ҳайъатларига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

10.5 “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 78-моддасида кўрсатилган ҳолларда судьянинг ваколатларини тўхтатиш тўғрисидаги масала бўйича Кенгаш аъзоси ташаббус кўрсатиши, судьялар малака ҳайъати эса Кенгашга мурожаат қилиши мумкин.

Мазкур масала Суд инспекцияси томонидан беш кунлик муддатда ўрганилади ҳамда Кенгашнинг навбатдаги мажлисига киритилади. Мажлис натижаларига кўра судьянинг ваколатларини тўхтатиш ёки тўхтатишни рад этиш тўғрисида Кенгашнинг ҳулосаси қабул қилинади. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, бу ҳақда Кенгаш томонидан тегишли судьялар малака ҳайъатига тақдимнома киритилади.

10.6. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 79-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган ҳолларда судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масала бўйича Кенгаш аъзоси ташаббус кўрсатиши, судьялар малака ҳайъати эса Кенгашга мурожаат қилиши мумкин.

Мазкур масала Суд инспекцияси томонидан беш кунлик муддатда ўрганилади ҳамда Кенгашнинг навбатдаги мажлисига киритилади. Мажлис натижаларига кўра судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ёки муддатидан илгари тугатишни рад қилиш тўғрисида Кенгаш ҳулосаси қабул қилинади. Судьянинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, Кенгаш қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланадиган судьялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган судьялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялар бўйича Кенгаш судьяни лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳулосалар киритади.

10.7. Судья “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 71-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшига тўлган куннинг эртасидан унинг ваколатлари тугаган

ҳисобланади, судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши узайтирилган ҳоллар бундан мустасно.

10.8. Судьялар олий малака ҳайъати судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшига етиши тўғрисида Кенгашга камида уч ой олдин маълум қилади.

Судья судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш истагини билдирган тақдирда, унинг бу ҳақдаги аризаси илова қилинади. Бунда Судьялар олий малака ҳайъати тегишли хулоса ва одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд эмаслиги (мавжудлиги) ҳақида тиббий маълумотномани тақдим этади. Хулосада судьянинг юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатлари, унинг фаолиятини баҳолаш мезонлари, иш сифати, қўлланилган интизомий таъсир чоралари, судьяга нисбатан чиқарилган хусусий ажрим ва ўтказилган хизмат текширувлари, “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси”га риоя этиши, шу жумладан судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ва бошқалар акс эттирилиши лозим.

10.9. Суд инспекцияси судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш масаласини бир ойлик муддатда ўрганади ва Кенгашга қуйидаги хулосалардан бирини тақдим этади:

судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида;

судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида.

10.10. Кенгаш йиғилишида судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тўхтамга келинганда, бу ҳақда хулоса қабул қилинади. Унга кўра Кенгаш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайладиган лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

бошқа судларнинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш ҳақида қарор қабул қилади.

Кенгаш йиғилишида судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида тўхтамга келинганда, бу ҳақда хулоса қабул қилинади ва судьянинг ваколатлари ушбу Регламентнинг 10.6-бандида назарда тутилган муддатда тугайди.

11-боб. Жисмоний ва юридик шахслар қабулини ташкил этиш, уларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик

10.1. Кенгашда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш шахсан Кенгаш раиси ёки унинг топшириғига кўра раис ўринбосари ҳамда Кенгаш аъзолари томонидан амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир муурожаатлари Суд инспекцияси томонидан кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, муурожаатлар кўриб чиқиш учун тегишли судьялар малака ҳайъатлари ёки судларга юборилиши мумкин. Мазкур муурожаатлар белгиланган тартибда тегишли судьялар малака ҳайъатлари ёки судлар томонидан тўлиқ ўрганилади ва ўрганиш натижалари юзасидан Кенгашга ҳамда муаллифга ёзма равишда маълум қилинади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланади.

10.2. Кенгаш ўз фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни олиб боради ва аҳоли билан мулоқотни йўлга қўяди.

Кенгашнинг ушбу вазифалари Кенгашнинг матбуот котиби томонидан амалга оширилади.

10.3 Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик Кенгаш фаолиятининг очиқлик принципига риоя этилишини таъминлайди. Бунинг учун Кенгашнинг матбуот котиби:

Кенгашнинг веб-сайти ва бошқа воситалар орқали Кенгаш фаолияти ҳақидаги маълумотларни жойлаштиради ва янгилаб боради;

ўз фаолияти бўйича амалга оширилган ишларни умумлаштириб, даврий нашрларни чоп этади;

ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкиллаштириб, назорат қилиб боради ва умумлаштиради;

жисмоний ва юридик шахслар билан мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида учрашувлар ўтказади, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини амалга оширади.

12-боб. Якунловчи қоидалар

12.1. Кенгаш фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

12.2. Кенгаш аъзосининг мустақиллиги кафолатлари, мақоми, моддий ва ижтимоий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Судьялар олий

кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

12.3. Кенгаш аъзолари ва ижроия аппарати ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулдирлар.

12.4. Судьялар малака ҳайъатлари ўз фаолиятларида ушбу Регламентда белгиланган тегишли қоидаларга амал қилишлари лозим.